



**PERSONALITY AND DEFINITION OF AMIRI IN " MAJMAI  
SHOHIRON**

**Toshboltaeva Tojikhon Abdilhamidovna, doctor.(PhD**

**Kokan SPI**

**Uzbekistan**

**Toshtemirova Dinora Shavkatjan kizi**

**student**

***Калит сўзлар:** Қўқон адабий муҳити, Фазлий Намангоний  
“Мажмуаи шоирон” тазкираси, Амирий, Қўқон хонлиги.*

**Аннотация**

*Мақолада XVIII аср ўзбек адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллаган  
Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкирасининг яратилиши  
ҳамда тазкирада шоҳ ва шоир Амирий шахсияти ва ижодига берилган  
таъриф ҳақида фикр юритилади.*

***Ключевые слова:**Кокандская литературная среда, таджкира  
“Мажмуайшоирон” ФазлийНамангани, Амирий, Кокандское ханство.*

**Аннотация**

*В статье рассказывается о создании таджкиры  
“Мажмуайшоирон” ФазлийНамангони, занявшей важное место в  
истории узбекской литературы XVIII века, а также о личности и  
творчестве Короля и поэта Амира в таджире.*

***Keywords:** Kokand literary environment, FazliNamangani complex  
“poet” tazkirasi, Amiriy, Kokand Khanate.*

**Annotation**

*The article discusses the creation of the complex “poet” Tazkiras of  
FazliNamangani, who played an important role in the history of Uzbek*





*literature of the XVIII century, as well as the description given to the personality and creativity of the King and poet Amiriy in tazkirah.*

“Мажмуаи шоирон” бевосита Амирийнинг топшириғи ҳамда саъй-харакатлари, ҳомийлигида яратилгани бор ҳақиқат. Шу боисдан “Мажмуаи шоирон”нинг марказида Амирий ижоди туради. Қўқон адабий муҳитига тегишли бошқа шоирларнинг шеърлари, дарж ва фазллар бу зотнинг ижоди ва асарларини мақташга йўналтирилган. Тазкиранинг маснавий муқаддимасида ҳамд ва наътлардан кейин Амирийга бағишлов келади. Мазкур бағишлов ўтмиш адабиётининг анъаналарига содиқ ҳолда яратилган ва унда Саййид Умархон ўз даврининг энг адолатли ҳукмдори, давлат ва халқнинг комил ғамхўри, шоирларнинг ҳомийси ва ўзи ҳам етук шоир сифатида таърифланади:

Салотин зи имдоди тў тождор,  
Ҳавоқин ба унвони тў бо иқтидор.  
Бешагар найўфтад зи тў сояи,  
Ба шоҳи бино шўд ўро пойейи.  
Ҳамоникэ Саййид Умар подшохох,  
Аз он сойе бар сар ниҳоде кулох,  
Бо руфт зиёбахш айём шўд,  
Аз он рўй зилолаш ном шўд.  
Бали шахриёрист комили айёр,  
Ба авроқи у халқ дар ифтихор.  
Ривожи шариат багардун расонад,  
Зи фиску зи бидъат нишоне намонад.  
Жаҳон хушгил аз хирман жуди уст,  
Ризойи худованди мақсуди уст.





Зи эҳсони у баҳревар хосу ом,  
Халойиқ ҳаме хушдишу шодком [ 1.3.](Мақолада берилаётган намуналар “Мажмуаи шоирон”нинг тошбосма нусхасидан олинди).

Кўришиб турибдики, Саййид Умархон ўз даврининг энг адолатли ҳукмдори сифатида “Мажмуаи шоирон”да мадҳ ва васф қилинади. Уни шариат ҳукмларига қаттиқ риоя қилувчи раҳбар, диннинг раҳнамози, номи улуғ, қалби соф, халқ ройишига қулоқ тутадиган ҳукмдор, оллоҳ ризолиги учун халққа қайишадиган ва халқ ҳам ундан хушнуд бўладиган раҳмоний подшоҳ деб ёзилади. Ушбу қасидада яна Амирий Афлотунга тенглаштирилади. “Ҳақими хирад” деб таърифланади. Унинг сўзи ҳақида гап борганда қуйидагилар қайд этилади:

Бо сеҳри суҳан аз фунуни камол,  
Ки ҳар ризад аз килки ширин мақол.[1.3]

Мазмуни: унинг(Саййид Умархоннинг) фаннинг камоли бўлган сеҳрли қаламидан ҳар доим энг ширин сўзлар тўкилади.

Амири фалак тахти хуршиди тож,  
Чунон дод бар аҳли маъни ривож.[1.3]

Мазмуни: фалак амирининг тахтига қуёш тож бўлиб тушди, натижада, маъно аҳллари кундан-кун ривож топдилар.

Ба ин жумле дод онқадар зебу зийн,  
Ки мансуҳ шўд даври султон Ҳусайн.[1.3.]

Мазмуни: ўша аҳли маъниларга(шоирларга) шу қадар зебу зийнат(ижодларига ривож) бердиларки, натижада, султон Ҳусайн даври унинг даври олдида бир бахтсизлик бўлиб қолди.

Кўринадикки, бу ўринда гап Саййид Умархон даври ҳақида эмас, балки Умархон тузган адабий гуруҳ мажлислари ҳақида бормоқда. Чунки





бундан кейинги сатрлар худди шундай хулосалар чиқаришга имкон беради.

Чунончи:

Самойе қиймату қадр ёфт

Хирадманд ҳам жойи бар садр ёфт.[1.3.]

Мазмуни: Бу фозилларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар кадру қиймат топдилар ва юракларига ўрнатиб олдилар.

Ба авсофи у шоирон аз ниёз,

Мадойиҳ гузору қасойид тароз.[1.3]

Мазмуни: шоирлар унинг номини васф этдилар, мадҳлар тузиб қасидалар битдилар.

Кўнанд аҳли дониш ба садқи яқин,

Ба дивони ашъоре ў офарин.[ 1.3]

Мазмуни: Аҳли дониш у билан яқинлашиб, девонидаги шеърларига офаринлар айтдилар.

Қасиданинг кейинги байтларида Амирийнинг шоҳ сифатидаги мавқеига эмас, балки шоир сифатидаги ўрнига баҳо берилгани кузатилади. Жумладан, ушбу байтлар орқали Амирий яратган шеърларга мақтовлар ёғдирилади:

Ба даргоҳе ў жумла шоирон,

Ба сеҳре сухане зуфунуни соҳирон.[1.3]

Мазмуни: Унинг даргоҳидаги барча шоирлар бу чуқур билимли сеҳргарнинг сеҳрли сўзларидан лолу ҳайрон бўлиб, жунбушга келдилар.

Зиҳи андалибони боғи сухан,

Ки ҳастанд ҳар йек гули анжуман.[1.3]

Мазмуни: Сўзамоллик боғининг булбуллари ҳар бир анжуман гулидан сарҳушу хаста бўлиб қолдилар.

Бас, аз анбиёи шоирон омаданд,





Ба мулки сухани комрон омаданд.[1. 3]

Мазмуни: Шу тугайли шоирларнинг энг улуғлари бахтиёр сўз мамлакатининг подшоси томон келдилар.

Диле шоир албатта бешак дариб,

Буд махзани ганж асрори ғайб.[1.3]

Мазмуни: Йиғилган бу шоирларнинг хизматларидан сарой ғайб асрорининг хазинасига айланди.

Сухани жавҳари аҳли урфон буд,

Ки файзи сухан фазли инсон буд.[1.3]

Мазмуни: Натижада, (бу сарой) аҳли урфоннинг сўз жавҳари бўлди; сўзнинг файзи инсонларнинг фасоҳати бўлди.

Аз он шоироне фарzoneанд,

Ҳавохоҳи султони Фарғонеанд.[1.4]

Мазмуни: Ўша шоирларнинг энг улуғлари Фарғона султонини вассофлари бўлдилар.

Ҳаме рўзу шаб бар дар шаҳриёр,

Санохони фармони баро жон нисор.[1.4]

Мазмуни: Бутун кеча-кундуз шаҳриёр эшигида подшоҳ фармонларининг санохонлари ва жонларини фидо этувчилар турдилар.

Қасиданинг кейинги ўринларида “Мажмуаи шоирон”нинг яратишдан мақсад нима эканлигига урғу берар экан, Фазлий бундай деб ёзади:

Дар ин номе номи дилистон,

Кунам васфи донишвароне замон.[1.4]

Мазмуни: Бу дostonнинг номи “Дилистон”, унда замон донишлари васф қилинади.





Фазлий “замона олимлари” деганида Умархон саройида тўпланган аҳли суҳанни – шеър аҳлини назарда тутаётгани аниқ.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Фазлий Намангоний. “Мажмуаи шоирон”. –Тошкент: Орифжонов матбааси, 1900, тошбосма.
2. Амирий. Девон. –Тошкент, “Фан”.1972.
3. Қаюмов А. П. Қўқон адабий муҳити.-Т.: “Фан”, 1961.-361 б.
4. Ҳодизода Р. ва диг. Адабиёти тожик. Асрҳои XVI-XIX ва ибтидои асри XX.-Душанбе: “Маориф”.1998.-416 с.
5. Пўлотжон Домулло Қаюмов.“Тазкирайи Қаюмий”.3жилдлик. ЎзФА Қўлғезмалар институти.Т.:1998.-314 с
6. Тазкирайи Қайюмий. –Тошкент, 1998.
7. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида зуллисонайнлик анъанасига доир. –Самарқанд: Самду, 1982.

